

# ЖАЛДІК СҮЗІ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 май, чоршанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 84 (1086)

## Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси олдидан УМИДЛАРИ ТЕРАН ЮРТ

1. Сиз «профессионал парламент» тушунчасини қандай тасаввур қиласиз?
2. Сессия кун тартибидоги қайси масалаларни долзарб деб ҳисоблайсиз?
3. Олий Мажлис депутатларининг кўпроқ нималарга эътибор беришини истаardingиз?

Абдуҳамид Фафурович МАХСУМОВ, 1-Тошкент давлат тиббиёт институти биологик ва биоорганик кимё кафедраси мудири, кимё фанлари доктори, профессор:



Ўзбекистоннинг парламенти жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражага кўтарилди.

2. Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси кун тартибидоги муҳокама қилиниши кўзда тутилган масалаларнинг барчаси ҳам долзарб. Уларнинг ичидан ўта долзарбини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги масала деб билан.

Чунки Олий Мажлис депутатлари ўзарининг ваколатлари, мақомларини яхши билсалар шу асосда фаолият кўрсатган.

тишга ҳаракат қилдилар. Биринчи сессияда айтилгани каби «дастлабки кунларда» ҳар бир депутат ва парламент ишининг усулини, шаклини ва умуман тизимини аниқ белгилаб олмақ зарур.

3. Мустақилликнинг тўртинчи йили бўйлаб дадил қадам ташлаб бораётган давлатимизнинг Олий Мажлиси депутатларининг жуда кўп масалаларга эътибор беришини истаиман. Шулардан энг асосийси давлатимиздаги оқоиништаллик, тинчлик, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш масаласидир. Ана шу жиҳатлар ҳукмрон экан, ҳар қандай иқтисодий қийинчиликлар барҳам топиб, давлатимиз юксалиш йўлига чиқиб олиши, табиий. Қолаверса, депутатларимиз халқнинг вакиллари сифатида жафокашу меҳнаткаш ўзбек халқининг, заҳматкаш зиёлиларининг, бунёдкор ишчи-деҳқонларнинг манфаатларини астойдил ҳимоя қилишларини истаиман. Давлатимиз тараққиётини ҳал қилувчи қонуларнинг тезроқ қабул қилиниши йўлида фаол бўлишлари, умидлари теран юрт манфаатлари йўлида фидойиллик кўрсатишларини хоҳлайман.

Шунингдек, депутатларнинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилиши, уларнинг ҳар бир масалани шарҳона донишмандликка монанд ечиш каби ҳуусиятларга эга бўлишларини орзу қиламан.



## БИРИНЧИ ҚАҚРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 1995 йил 5 май кунини соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари эртага, 4 май кунини соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойсисда рўйхатга олинади.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари фаолиятига алоҳида эътибор берилаётган. Уларнинг оёққа туриши, ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берилаётган. Бундай қулайликлардан Асака туманидаги Бобур номи жамоа хўжалигиндаги Усмонов Бойназаров ҳам бўлган фермер хўжалиги ҳам фойдаланмоқда.

Фермер хўжалигида айни кунда 44 бош қарамол бор. Шунингдек улар тасарруфидо 9 гектар экин майдони мавжуд. Хўжалик авзолари янгиликнинг манфатли томонларини амалда кўрсатиш йўлида меҳнат қилишмоқда.

Суратда: фермер хўжалиги бошлиғи Усмонов Бойназаров отаси Назиржон ота билан. Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сузи» ва УЗА мухбирлари хабар қилдилар

### ТОШДУ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШПАНДИ

Тошдунинг 75 йиллиги Самарқандда ҳам кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан бўлган йилгилишни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов очиб, ТошДУ жамоасини қутлуг сана билан муборакбод этди. СамДУ ректори Т. Муминов, ТошДУ ректори академик Т. Жўраев дорилфунунни қутлуг йўли ҳақида гапирдилар.

### ТАЛАБА ҚИЗЛАР ҲАЁТГА ТАЙЁРМИ?

Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорликда «Талаба ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда хотин-қизлар кўмиталарининг вазифалари» мавзуда илмий амалий анжуман ўтказди.

Йилгилишда қатнашган шаҳар ва туман, вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртли хотин-қизлар кўмиталарининг раислари ёшлар тарбиясига оид мавзуларда маърузалар тингладилар. Анжуман иштирокчилари Қарши давлат университети, педагогика билим юрти, тиббиёт билим юртида бўлиб, талабаларга яратилган шароит, амалда оширилётган тарбиявий ишлар билан танишдилар.

### ОНАХОНПАР БИЛАН УЧРАШУВ

Навоий вилоят ҳокимлигида уруш йилларида мамлакат ичкарисидо жасорат кўрсатган онахонлар билан учрашув бўлди. У вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилди.

Хатирчилик Адолат Санақулова, қизилтепалик Саодат Фоййбова, навбахорлик Маъмура Умаровалар фронтда ва унинг ортида ўзбек аёллар кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Учрашувда фахрийларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

### АСОСИЙ ИШЛАР ТУГАЛПАНДИ. НАВБАТ...

«Кўк» ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидоги спирт тайёрлаш заводини қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган. Айни кунларда у ердаги хомаш қабул қилиш биноларидо ва дон сақлаш омборларида баржариллиш керак бўлган асосий ишлар тугалланди.

Йилги спирт заводи қурилишида Россиянинг Тамбов шаҳридаги «Комсомолец» ҳиссалдорлик жамиятининг 10 нафар малакали пайвандчилари ҳам иштирок этганлар.

СУРАТДА: Завод цехидан лавҳа.

### ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАМШИРАСИ

Нукусда «1995 йилнинг энг яхши ҳамшираси» кўрик-танлови бўлди.

Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан келган ҳамширалар касб маҳоратини намойиш этди. Танловда республика касалхонаси тиббиёт ҳодими Олтин Ержонова ғолиб чиқди.

### ИЛМИЙ АМАЛИЙ АНЖУМАН

Самарқандда «Илмий истиқлол мафқураси ва унинг таълим-тарбиядаги ўрни» мавзуда республика илмий амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда олимлар, мутахассислар шўбаларга бўлиниб, мафқуранинг назарий, услубий ва илмий жиҳатлари каби масалалар ҳуусенда маъруза ўқидилар.

### ҚАҲРАМОНЛАР ЁДГОРЛИГИ

Буюк Ғалабанинг ярим асрлик тўйини таштама қилишга ҳам санокли кунлар қода.

Ғарғона шаҳрида ана уша қутлуг кунга атаб «Қаҳрамонлар» ёдгорлик мажмуи бунёд этилмоқда. Мазкур қурилишни шажара санокт корхоналари маблағ билан таъминлапти. Ёдгорлик Ғалаба байрами кунини очилади.

## ЯНГИ НИЗОМ МУҲОКАМАСИ

Тошкент автомобил йўллари институтида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш сарф-харажатлари таркиби ва молиявий таъбирлар натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низоمنى муҳокамага бағишланган семинар ўз ишларини бошлади. Ушбу семинар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ўзбекистон Молия вазирлиги, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат кўмитаси ҳамда республика бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Сарф-харажатлар тўғрисидаги низоми қабул қилиш бозор иқтисодиёти шароитида жуда муҳимдир. — деди республика молия вазирининг ўринбосари А. Абдуқодиров. — Чунки, қонун ҳукмрон жамиятда тартиб ва адолат бўлади. Ҳисобот соҳасида, айниқса, бу кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан.

Семинар ишида вазирликлар, ташкилотлар, олий ўқув юртли ва фирмаларда фаолият юритаётган 230 нафар ҳисобчи қатнашмоқда. Семинарнинг дастлабки кунини Европа Иттифонининг Ҳамдустлик мамлакатларида техник ёрдам кўрсатиш (ТАСИС) дастури бўйича экспертлар гуруҳининг вакили жаноб Тауезд янги низомининг аҳамияти тўғрисида маъруза қилди. У иштирокчиларга ривожланган давлатларнинг бухгалтерия соҳасидаги тажрибаси ҳақида сўзлаб берди.

Айни вақтда, Ўзбекистонда халқ хўжалигининг турли соҳаларида 100 миңдан зиёд ҳисобчи меҳнат қилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир шароитда, бухгалтерия соҳасида ҳодимлар билим даражасини тақомиллаштиришга катта эҳтиёж пайдо бўлди. Семинарнинг ташкил этилишидан кўзда тутилган асосий мақсад ана шу эҳтиёжни қондиришдан иборат. Мазкур семинарнинг Ҳамдустлик мамлакатлари орасида Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўтказилаётгани аҳамиятлидир.

Семинарда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистондаги доимий вакил Холди Малик иштирок этмоқда. Семинар ўзининг 5 майгача давом эттиради.

## Қишлоқда ислохотлар қандай борапти?

**БОҒДОРЧИЛИК, сабзавотчилик ва узумчиликка бағишланган вилоят маҳорати кескин танқидий рўйда ўтаётган. Лекин бу йилгида биргина раҳбарга мақтов насб этди. Кейин биласан у вилоятдаги раисларнинг орасида энг ёши ҳам экан.**

ЎШАНДА вилоят ҳокимининг биринчи муовини Саидхўжа Аҳмадулов Собиржонни таништириб «Қартошка сақлашни мана шу йилгидан ўрганилар» деганда, ақсарият раислар ер чизиб қолишганди. Аслида ҳам Собиржон Назаров раислик қилаётган Ховос туманидаги Жўраҳон Усмонов номли ширкатлар уюшмаси аъзолари ўрганса арзийдиган иш қилишибди.

Бу хўжалик Ховоснинг тоғлиқ қисмида жойлашган. Бу кенгликларда сув мўл бўлса, кўп ноз-неъмат етиштириш мумкин. Ҳозирча хўжалик тоғдан келадиган бир кулоқ сувга кўз тиккан. Баландчақир томонларга эса Сирдарё суви чиқди ҳисоб. Вилоятнинг энг чека қишлоқларидан бири бўлган Совет — уюшма маркази. Икки қишлоқ — Совет ва Тўқбойнинг жами 2700 нафар аҳолиси бор. Бу қишлоқларда қадимдан боғ ва тоқзорлар мўл бўлган, лалми ғалла

экиб келинган. Картошкадан ҳам юқори ҳосил олинган. Лекин иқлими ва ер шароити картошка етиштиришга мослашган бу хўжаликка ушбу экин бегона бўлиб қолган. Яхшики, бир неча йилдан буён ер ана ўз экинлигини тоғди: ўтган йили 10 гектарга картошка экилиб, вилоят бўйича энг юқори ҳосил олинди. Унинг деярли ҳаммаси уруғлик учун асралди. Боз устига картошка аввалгидек сақлаш учун 90 чакирим масофадаги Гулистон совуқхонасига ташиб берилмади. Хўжалик ўз «совуқхона»сини қуриб олди. Бу совуқхонанинг ҳеч қандай совуғтич ускуналари йўқ.

## КАРТОШКА МАЙДОНИ ИККИ БАРАВАР КЕНГАЙТИРИЛДИ

дек, ёнма-ён «йўлаклар» очилди. Эни 4-5 метр, баландлиги 3-3,5 метрлар чамасидаги бу «йўлаклар»нинг томи бетон плиталар билан ёпилиди. Унинг устидан тулроқ ташланди. «Йўлак»ларнинг икки томонида дарвозалар ўрнатилди. Ичкарига эса ўрғалдан одам бемалол юрадиган йўл қолдирилиб, икки томонга уч қаватли сўкичаклар қўйилди. Шифта электр ўтказилиб чироқлар осилди. Бор-йўқ қурилиш жараёни мана шу. Омборларни қуришга атиги 14 минг сўм харажат қилинди.

Сақланган 400 тонна ҳосилнинг фақат бир фоизи чиқитга чиқди. Агар хўжалик ўз картошкасини Гулистондаги совуқхонага топширганда ҳар гектардан қамради 10 минг сўмдан зарар кўради. Ўтган йили эса умумий майдондан 270 минг сўм соф даромад олинди. Рентабеллик 42 фоизга тўғри келди. Уюшма жамоаси омборхона

уруғлик билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал қилиш мумкин. Уюшма раиси Собиржон Назаровнинг орзуси ҳам шу. Бу йил хўжаликда картошка майдони икки баравар кенгайтирилди. Боз устига қулай иқлим шароити бу экиндан ҳам эртаги, ҳам кечки ҳосил олишни кафолатлайди. Қолаверса, картошка ҳеч қандай минерал ўғитисиз етиштирилади. Уюшмада ўтган йилдан бошлаб фақат маҳаллий ўғитлар эвазига ҳосил кўтариш йўлга қўйилди. Оқибатда бу ҳол харажатни қисқартирибгина қолмай, картошканинг сифати ва сақланиш муддати ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Уюшма раҳбариятининг тadbirkorлиги туфайли жамоа на ун, на ёғ ёки бошқа маҳсулотларга зориқиб қолмапти. Уюшма аъзоларига кузакда бўғдой, картошка, сабзи, пиёз керагича тарқатилди. Ёғ муаммоси ҳам шунинг ўзида деярли ҳал қилинган. Гап шундаки, уюшмада ўтган йили 50 гектарга маҳсар экилган. Ундан ёғ олиниб, оилаларга улашди. Бу йил маҳсар майдони ҳам икки ҳисса кенгайтирилди.

А. ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сузи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 2 майда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хоржий валюталарда операциялари амалда ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.	1 Дания кронаси 4,86	1000 Украина карбованеци 0,20
Сотув ҳажми 13,41 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 26,50 сўм даражасида қайд этилди.	1 АҚШ доллари 26,50	1 Латвия лати 5,27
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 3 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи. *)	1 Миср фунти 7,77	1 Литва лити 6,63
1 Австралия доллари 19,32	1 Ирландия фунти 43,37	1 Қозғистон тенгеси 0,42
1 Австрия шиллинги 2,71	1 Исландия кронаси 0,42	1 Молдова лейи 5,87
1 Англия фунт стерлинги 42,82	10 Испания песети 2,15	1000 Беларусь рубли 2,30
10 Бельгия франки 9,27	100 Италия лираси 1,59	Марказий банк 1995 йил 3 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси маҳсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгиледи:
1 Голландия гульдени 17,04	1 Канада доллари 19,59	— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,50 сўм.
1 Греция драхми 1,17	1 Кувайт динари 90,30	— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,50 сўм.
	100 Ливан фунти 1,63	Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади. *) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.
	1 Германия маркаси 19,09	
	1 Норвегия кронаси 4,25	
	10 Португалия эскудоси 1,80	
	1 Сингапур доллари 19,07	
	1000 Туркия лираси 0,62	
	1 Финляндия маркаси 6,21	
	4 Франция франки 5,36	
	1 Швеция кронаси 3,65	
	1 Швейцария франки 23,15	
	1 ЭКЮ 35,03	
	10 Япония йениси 3,17	
	1000 Россия рубли 5,20	
	1 Эстония кронаси 2,43	

## КОРХОНА ИХТИСОСЛАШТИРИЛДИ

Мурабат пахта тозалаш заводи илм пахтани қайта ишлашга муважжалланган. Туманда эса ҳар йили 50 минг тоннадан ошмириб пахта етиштирилади. Шунинг учун ҳам ҳар йили йилгирма минг тоннадан зиёд қайта қайта ишлаш учун 200 километр узоқликдаги пахта заводларига машина билан ташилар эди. Табиийки, бундай тартиблар таъбирланаётган толарнинг танархнини қимматлаштириб юборади, Чунки, транспорт хизмати шу даражада биландики, асло чидаб бўлмади.

Пахта тозалаш сановати вилоят бирлашмаси раҳбарларининг ташаббуси ва тadbirkorлиги билан корхона ўрта толали пахтани қайта ишлашга мослаштирилди: қурилиш-монтаж ишларини завод ишчиларининг ўзлари бажаришди. Демак, 95-йилнинг ҳосили тўла шу ёрнинг ўзида қайта ишланади. Корхона қувватининг ошириш ишчилар даромадининг кескин ошишига олиб келди.

Т. РАЗЗОҚ, «Халқ сузи» мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР \* ФАКТЛАР \* ВОКЕЛАЛАР



### • Долзарб мавзу

**ЎЗБЕКИСТОН Президентини Олий Мажлисининг биринчи сессиясида маърузасида ўз ечимини кутмаган қатор муаммоларни ҳал этиш йўллари аниқ кўрсатиб берди.** Республикада ғўза уруғчилигини яхшилаш билан боғлиқ юмушлар ҳам ана шу долзарб муаммолар сирасига киради. Зеро, уруғчилик кенг тармоқли илмий-услубий ва уни назорат қилувчи ташкилотлар тизимидан иборат бўлиб, таркибига янги ғўза навларини меъёрига етказиш, уни кўпайтириш билан шугулланганидан бирламчи уруғчилик хўжаликлари, шунингдек районлашган навларнинг уруғини кўпайтувчи элита уруғчилиги ва уруғчилик хўжаликлари, юзлаб пахта тозалаш заводлари, улар қoшидаги лабораториялар киради.

Бу тизим режалаштириш ташкилотлари ҳисобланувчи Қишлоқ хўжалик вазирлиги, вилоятлардаги қишлоқ хўжалик органларининг иш услуби билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозир уруғчиликка энг катта қамчилик ягона жавобгар ташкилотнинг йўқлигидир: навни селекционер яратди ва Қишлоқ хўжалик вазирлиги ихтиёрига беради. Пахта, жумладан уруғчилик пахташу улар атрофида жойлашган элита уруғчилиги хўжаликларининг йўқлигидир.

Пахта толасини тайёрлаш технологияси ҳам уч босқичдан иборат: селекция ва уруғчилик; пахтаги ўстириш ва йиғиб-териб олиш; ҳосилни қайта ишлаш. Ҳозирги ҳаётда бу уч босқич бир-бири билан узвий боғланган. Шу боис юқори сифатли тола ва чигит етиштиришда уларнинг масъулияти ва манфаатдорлиги йўқ даражада. Гап шундаки, уруғ сифатини завод тасарруфидаги лабораториялар текширади. Бинобарин, уруғ чиқариладиган ташкилот ўзини ўзи текширса, сифат тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин? Бундай аҳвол хўжалиқлар билан пахта тозалаш заводлари ўртасида келишмовчиликларга олиб келади ва ундан кўпроқ хўжалиқлар зарар кўради.

Республикамиз иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун дунё бозорига рақобатбардош, харидорғир тола берадиган янги ғўза навларини яратиш ва кенг жорий этиш давр талаб этиш, уруғчиликни тубдан яхшиламай туриб бунга эришиб бўлмайди.

Нав қанчалик соф бўлса, умри шунчалик боқий бўлади.



**НАВИ ҚАНЧАЛИК СОФ БУЛСА, УМРИ ШУНЧАЛИК БОҚИЙДИР**

Ва аксинча, қанчалик паст бўлса, шунчалик тез айниёди, сафдан чиқади

ди. Навдорлиги паст ғўзанинг уруғи айниёди, тола сифати пастайиб, ҳосилдорлиги камайиб боради ва бу нав тезда сафдан чиқади, селекциячилар ва уруғчиликнинг кўп йиллик меҳнатига эга бўлади, давлатимиз ўзининг тўққиз бўлмайдиган иқтисодий зарар кўради. Кўп йиллардан бери уруғчилик чигит сифатини, нав софлигини республика ва Марказий давлат текширар назорат қилиб боради. Ҳозирги кунда бу ишлар ҳам сустлашиб кетди.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири уруғчиликка оид ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб, унга қатъий риоя қилинишидир. Бунда ҳар бир элита ва уруғчилик хўжаликларида фақат битта ғўза навини экиш, тайёрланган уруғчилик шунга асосланган тизимда пахта тозалаш заводи атрофида жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Иш шундай ташкил қилинганда уруғчиликдаги кўпга илгалардан қўтилиши.

Бирламчи ва элита уруғчилиги хўжаликлари қайта ташкил этилиши, уларнинг вазифаларини қайта кўриб чиқиб, жиддий ўзгаришлар киритиш лозим. Бу ҳозирги кун талабидир. Маълумки, бирламчи уруғчилик хўжаликлари фақат давлат хўжалиқларидан туду-

зиларди. Бугунги кунда улар жамоа ва бошқа хўжалиқларга айланган. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасини яхши адо этипти, деб бўлмайди. Шу боис уруғчилик хўжалиқларини иқтисодий ривожланган, ер-сув шароити яхши, қўл кучи ва мутахассис ходимлар етарли бўлган хўжалиқларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз тупроқ-иклим шароити турлича бўлганлиги сабабли ҳамма ғўза навлари ҳам уша минтақаларга яхши мослашиб, эрта етилиб,

учинчи репродукцияни эса иложи борича эмасликка ҳаракат қилдилар. Собиқ Иттифоқ пайтида бунинг иқтисодий фойдаси бор эди. Ҳозирги кунда эса аҳвол ўзгарган, буни ҳисобга олмоқ керак.

Пахта тозалаш заводлари шароитида уруғчилик чигитларни сақлашни яхши йўлга қўйиш ва мумкин қадар кам миқдорда чигит сарфлаш мақсадида ҳар бир минтақанинг тупроқ-иклим шароитига қараб иш юритиш лозим. Шунингдек, уруғчилик чигит тайёр-

зими ва технологиясига эга бўлиши, уруғ сифатини яхшилаш йўлида тадқиқот ва тажрибалар олиб бориши зарур.

Нав яратувчи селекция ташкилотларига қарашли тажриба хўжаликлари янги навларни меъёрига етказиш, кўпайтириш, синиш ва уларни кенг қўламда екишга тавсия қилиш буйича илмий база ҳисобланади. Бу тадбирларни амалга ошириш учун тажриба хўжалиқларида кичик пахта тозалаш заводлари бўлиши шарт. Уларда тайёрланган са-

қисмлар, турли кимёвий ҳимоя воситалари билан тўқинлаш сисъатини олиб боради.

Давлат уруғчилик бирламчи ҳар бир вилоятда уруғчилик чигит тайёрлайдиган пахта заводи, уруғини кўпайтирувчи хўжалиқлардан иборат вилоят бирлашмаларини тудайди. Бу бирлашмалар мустақил иш юритиши зарур. Хўжалиқлар ва пахта тозалаш заводлари ўз фаолиятларини шартнома асосида олиб борадилар. Ишлаб чиқариш жараёнида олинган фойда ҳам ўртада баҳам кўрилади. Бу селекция ташкилотларини рағбатлантириш, хўжалиқлар, заводлар ишини тубдан яхшилаш имкониятини беради. Улар элита уруғчилик хўжалиқлари, селекция ташкилотлари етиштирган битта ғўза навининг элита ва биринчи репродукцияли уруғлари билан шугулланади. Сара уруғлар келишилган нархда сотилади.

Уруғчилик бирлашмаларининг ташкил этилиши кўп йиллардан бери олимлар томонидан ўртага ташланаётган катта муаммо — пахта хом-асёсини тола ҳисобига қабул қилиш ва кўпроқ сертола навларини жорий қилиш имкониятини беради.

Навдор уруғчилик чигит тайёрлаш ишлари сифатини назорат қилувчи Ўзбекистон Республикасида ягона давлат назорат уруғчилик инспекциясини ташкил этиш ҳам долзарб вазифа деб ўйлаймиз. У марказий ва вилоят назорат гуруҳларидан, ҳар бир гуруҳ эса уруғчилик чигит сифатини текширувчи лаборатория, уруғини сертификация қилувчи, инспекция қилувчи бўлимлардан ташкил топган бўлади. Уларнинг асосий вазифалари: кўчатзорларда нав тозаланиши, уруғчилик сифатини текшириш ва шу буйича ҳужжат (сертификат) лар бериш, чигит сифатини аниқлайдиган янги андоза, услуб, сертификациялаш тизимларини ишлаб чиқишдир.

Юқоридаги тақлифларни тўлиқ амалга ошириш учун республикамизда уруғчилик ривожлантиришнинг миллий дастури ишлаб чиқилса, «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида селекция йуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунлар тезроқ қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**А. ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
Зайцев номидаги Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институти директори,  
биология фанлари доктори,  
профессор.



### МУАММО КЕСКИН ТУС ОЛИШИ МУМКИН

**КХДР Япония ҳукуматини АҚШ билан ядро муаммоси ҳусусида юзага келган баҳса арашмасликка даъват этди. Акс ҳолда мазкур муаммо янада кескин тус олиши мумкин.**

Маълумки, Япония, агар КХДР мавжуд реакторларини ядровий ёниги билан тўлдирса, АҚШ ва Жанубий Корея Республикаси каби у ҳам БМТ Хавфсизлик кенгашидан Кореяга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўлашни талаб этишлари ҳақида Баёнот берган эди.

Кореянинг «Нодон синмун» газетаси таҳдид ва жазо чоралари билан тинчлик ва барқарорликка эришиб бўлмаслигини уқтириб, бу вазиятни янада мураккаблаштириши таъкидлаган.

### ҚУШИННИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШГА ЧАҚИРДИ

**Ироқ ҳукумати Туркияни яна бор ўз қўшинларини мамлакат худудидан тўлиқ олиб чиқиб кетишга чақирди.**

Ироқ ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Туркия ҳукумати Ироқ шимолидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишини эълон қилган бўлса-да, бироқ, улар ҳамон Курд ишчи партиясига қарши жанг ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Ироқ ташқи ишлар вазирлиги вакилининг таъкидлашича, Туркия қўшинларининг Ироқ худудига курдларга қарши бошлаган ҳарбий тадбирлари Ироқ мустақиллиги ва худудий айлитлигини хавф остига қўяди.



СУРАТДА: Индонезия пойтахти Жакарта кўчаларидан лавҳа.

### НОРАСМИЙ КЕНГАШ

**Ташландинг Пукет шаҳрида Жанубий-шарқий Осиё давлатлари ассоциациясига (АСЕАН) авзо мамлакатлар иқтисодий вазирларининг норасмий кенашини бўлади.**

Унда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақани сановатлаштиришни жадаллаштириш ва хоржий сармояларни жалб этишни фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шунингдек, АСЕАН билан Осиё-Тинч уммони иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОТУИХТ) ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

### ЭКОЛОГИК ҲАЛОКАТ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН

**ЮСНА ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Коми Республикасидаги нефть қуваридан юз берган экологик ҳалокат оқибатларини бартараф этиш учун Жаҳон банки Россия Федерациясига 99 миллион доллар миқдорда кредит беришга аҳд қилди.**

Мазкур фалокатнинг оқибатларини тугатиш учун ҳозирдада қиришилмас, қунарл исиши билан нефть жула қатта худуда ёйилиб, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши, Колва, Уса ҳамда Печора дарёларини ифлослантириши мумкин.

### МАЎБУСЛАР СОНИ ИККИ БАРОБАР КЎПАЙГАН

**АҚШдаги турмаларда сақланаётган маъбуслар сони 1994 йили 469 минг 442 нафар кишини ташкил этди.**

Бу маъбуслар сони сўнгги ўн йилда икки баробар кўпайганидан дарак беради, дейилади мамлакат Адлия вазирлигининг ўтган йил яқунларига бағишланган маърузасида.

Маълум бўлишича, АҚШда озодликдан маҳрум қилинганларнинг кўпчилиги, яъни 44 фоизи қора танлилар экан.

### ЗИЁРАТЧИЛАР ЎЗ БУРЧЛАРИНИ БАЖАРАДИЛАР...

**Ливиялик зиёратчилар бу йил ҳам самолётда мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳи Макка ва Мадинага боради, дея байнон берди Ливия инқилоби йўлбачиси Муаммар Каддафи.**

Оллоҳ олдидаги ўз муқаддас бурчинини бажариши учун ливиялик мусулмонларга ҳеч қандай куч тўсиқ бўла олмайди! Бу йўлда улар ҳатто ўлимдан ҳам қайтмайди, дея таъкидлади у.

### БУЁғИ МУЗОКАРАЛАР ЯКУНИГА БОғИҚ...

**Исроилнинг Шимолий ҳарбий мавзеси кўмондони генерал А. Левиннинг байнон беришича, Сурия катта миқдордаги қўшинини Жуан тепалиги яқинига келтириб қўйган.**

Жулон тепалиги юзасидан олиб борилаётган музакоралар Сурия Араб Республикаси учун муваффақиятсиз яқунланса, бу мамлакатнинг Иероилга қарши уруш очиб эҳтимоли бор, дея А. Левин.

### • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

#### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН КЎРИК

**Стал теннисчиларимиз Ленинободда ўтказилган халқаро турнирда қатнашишди. Турнир фашизм устида қозонилган Габабнинг 50 йиллигига бағишланди. Унда акаллариимиз Қозғоғон, Туркманистон ва Тожикистон кичик ракетка усталарига қарши ўйнади.**

Қозғоғонлик спортчилар гарчи Ҳиндистон, Япония, Бразилия, Хитой мамлакатларидан ўтказилган халқаро турнирларда қатнашишган, бой тажриба орттирган бўлишса-да, бизнинг стол теннисчиларимизга кўп жиҳатдан ютқазилди. Ўзбекистоннинг кўп қарра чемпиони Светлана Мотова шахсий биринчилигда барча рақибларини мағлубиятга уратди. Иккинчи ҳамюртимиз Татьяна Матвеева эса учинчи ўринни эгаллади.

Эраклар баҳсида тошкентлик Алишер Комилов халқаро мусобақада учинчи поғонага кўтарилган бўлса, аралаш жуфтликлар ўртасида ҳамюртларимиз Жалил Шохажимов ва Татьяна Матвеева турнир голиблари бўлишди. Ушбу турнир кичик ракетка усталаримизни Пекинда ўтказилаётган жаҳон чемпионати олдидан ўзига хос кўриқдан ўтказди.

#### ЮРТУОШЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Марказий Осиё давлатларининг 145 нафар греко — рим кураши полковлари мамлакат очиқ биринчилигида қатнашиб, ўзаро беллашдилар.**

Бу мусобақада юртимиз спорт шарафини Комил Фатхуллин шогирдлари ҳимоя қилишди. Курашчиларимиздан Зафар Очилов, Ислам Кенжаев, Руслан Сундеев, Дмитрий Коршунов ўз вази тоифалари буйича голиб чиқишиб, япон магнитофонлари билан тақдирланди. Тошкентлик Валерий Милов (74 кг) иккинчи ўринни эгаллади. Яна беш нафар полковимиз эса шохуепанинг учинчи поғонасига кўтарилишди.

Р. ЭРМУҲАММАД,  
«Халқ сўзи» мухбири.

#### СОғЛОМ бўлишни хоҳлайсизми!!! АСК "Барқарор"га мурожаат қилинг.

**Бизнинг компаниямиз Европа системаси буйича тиббий ёрдамини амалга оширади. Биз давлатимиздаги ва хориждаги энг яхши клиникаларда даволанишингизни таъминлаймиз.**

Тел.: 56-05-19.  
Факс: (3712) 56-12-30.

### УРУШ ФАҲРИЙСИ — МАТБУОТ ФИДОЙИСИ

**Сиз кўриб турган бу кишини республикамизда кўпчилик таниса керак. Қарийб эллик йилдан бери матбуот соҳасида меҳнат қилиб келаётган уруш ва журналистика фахрийси Зийед ака Есенбоев 1939 йилнинг ноябрь ойида армия сафисага чақирилди, урушнинг биринчи кунларидан то талаба оиларигача ҳаракатдаги армия сафларидан хизмат қилди.**

Фарбий, Калинин, 3-Белорусия ва Болтиқбўйи фронтларида немис-фашист босқинчиларига ва Байкалнинг фронтда япон милитаристларига қарши олиб борилган ҳаёт-мамонт жангларига қатнашди.

Зийед ака Габаба тонги 1945 йил 9 майда Шарқий Пруссиядан узоқ шарққа қараб йўл олади. Япониянинг Квантун армиясини тормор этишда иштирок қи-

лири, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари, 1954 йилдан «Тошкент ҳақиқати» газетасининг муҳаррири бўлиб фаолият кўрсатади. 1961 йилдан «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош муҳаррири бўлиб ишлади, 20 йилдан ортиқ республика Журналистлар уюшмасини ва Давлат матбуот қўмитасини бошқаради.

Бир қанча жанговар орден ва медаллар соҳиби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат муқофотининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зийед Исомович Есенбоев ҳозир Республика матбуотини қўллаб-қувватловчи



жамғарма бошқаруви раиси ва «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири вазифасида хизмат қилмоқда. Уруш фахрийси, матбуотимиз фидойиси Зийед ака фашизм устидан қозонилган Буюк Габабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда қатнашиш учун бир гуруҳ кўролдош дўстлари билан Москвага жўнаб кетди.  
**Ўқтам ДҮСТЕР.**  
СУРАТДА:  
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

### "Озиқовқатсаноатлоийҳа"

очик турдаги акциядорлик жамияти

**60 йилдан ортиқ вақт мобайнида лойиҳалаштириш ишлари ва қурилиш жараёнини асбоб-ускуналар билан таъминлаш вазифаси билан шугулланган "Озиқовқатсаноатлоийҳа" ҳиссадорлик жамияти (собиқ "Ўзгипропищепром" лойиҳа институти) озиқ-овқат саноати буюртмаларини бажаради ҳамда ёғ - мой, шакар, инон, сут, пиво ва минерал сув, қандолат ишлаб чиқариш саноатининг катта ва кичик корхоналарини лойиҳалашда катта тажрибага эга эканлигини маълум қилади.**

#### Биз буюртмачиларга қўйидаги ишларни бажаришда ёрдам кўрсата оламиз:

- янги қурилишнинг техник-иқтисодий асосларини ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини ишлаб чиқишда;
- ишлаб турган корхоналарни техник қайта жиҳозлашда;
- ностандарт асбоб-ускуналарнинг конструкторлик чизмаси ва ҳужжатларини тайёрлашда;
- асбоб-ускуналар олишга буюртма ҳужжатларини тайёрлашда;
- ўлчов ишларини бажариш ва жойларда муҳандислик тайёрлов ишларини олиб боришда;
- обрўли чет эл фирмалари буйича тавсиянома;
- ишбилармонларга саноатни лойиҳалашдан бошлаб то ишга туширишгача бўлган жараёнда ёрдам бериш;
- ўз соҳаси буйича техник маслаҳатлар бериш;
- технологик регламентлар ишлаб чиқишда;
- корхонани ишга туширишда ёрдам бериш;
- озиқ-овқат саноати буйича барча хилдаги лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда.

#### Буюртмаларингизни қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 9.

"Озиқовқатсаноатлоийҳа" очик турдаги акциядорлик жамияти.

